



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УДК: 615.218.2 - 085:577.15

ГЕПАТОБИЛИАР КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА
ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛАРНИНГ КЛИНИК ҚЎЛЛАНИЛИШИ ВА ФАРМАКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Бекчанова Юлдузхон Хайитбаевна

Урганч давлат тиббиёт институти. Урганч шаҳри, Ўзбекистон.
Фармакология ва клинк фармакология кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

E-mail: bekchanovayulduz80@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-5187-0679>



Каримова Дилбар Шариповна

Урганч давлат тиббиёт институти. Урганч шаҳри, Ўзбекистон.
Фармакология ва клинк фармакология кафедраси катта ўқитувчиси.

E-mail: dr.dilbar.1975@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0008-8345-6404>



Аннотация. Хоразм вилоятидаги тиббиёт бирлашмаларида гепатобилиар тизим касалликлари билан даволанган 360 нафар беморнинг касаллик тарихи ретроспектив тарзда фармакоэпидемиологик усуллар бўйича ўрганилди. Ўрганиш мақсадида анкетага Ўзбекистоннинг амалий тиббиётида кенг ишлатилаётган 36 номдаги гепатопротекторлар киритилди.

Ўрганишлар натижаида маълум бўлдики, Урганч шаҳри марказий поликлиникаси ҳамда Хива тумани тиббиёт бирлашмасида гепатобилиар тизим касалликлари фармакотерапияси патологик жараённинг ифодаланганлигига нисбатан адекват ва дунёда тан олинган гастроэнтрологлар уюшмаси кўрсатмаларига мос тарзда амалга оширилган. Жигар касалликларини даволашда шифокорлар гепатопротекторларни алоҳида ёки комбинирланган шаклда қўллаганлар.

Калит сўзлар: Гепатобилиар тизим касалликлари, фармакоэпидемиология, гепатопротекторлар, клиник фармакологик таҳлил.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

**ИЗУЧЕНИЕ КЛИНИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ И ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИХ
СВОЙСТВ ГЕПАТОПРОТЕКТОРОВ У ПАЦИЕНТОВ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ
ГЕПАТОБИЛИАРНОЙ СИСТЕМЫ**

Бекчанова Юлдузхон Хайитбаевна

Ургенчский государственный медицинский институт, г. Ургенч, Узбекистан. Старший преподаватель кафедры фармакологии и клинической фармакологии PhD.

Каримова Дилбар Шариповна

Ургенчский государственный медицинский институт, г. Ургенч, Узбекистан.

Старший преподаватель кафедры фармакологии и клинической фармакологии.

Ретроспективно фармакоэпидемиологическими методами были изучены 360 штук истории болезней больных с заболеваниями гепатобилиарной системы, вылеченных в медицинских учреждениях Хорезмской области. Для изучения в анкету были включены 36 наименований гепатопротекторов, используемых в практической медицине Узбекистана.

Выявлено, что фармакотерапия больных с гепатобилиарными заболеваниями в центральной поликлинике города Ургенча и Хивинском районном медицинском объединении адекватна по выраженности патологического процесса и соответствует рекомендациям, признанным мировым сообществом гастроэнтерологов. При лечении больных с заболеваниями гепатобилиарной системы врачами были использованы гепатопротекторы в отдельности, а также в комбинированном виде.

Ключевые слова: заболевания гепатобилиарной системы, фармакоэпидемиология, гепатопротекторы, клиничко-фармакологический анализ.

**STUDY OF THE CLINICAL APPLICATION AND PHARMACOLOGICAL PROPERTIES OF
HEPATOPROTECTORS IN PATIENTS WITH HEPATOBILIARY DISEASES.**

Yulduzkhon Khayitbaevna Bekchanova

Urgench State Medical Institute, Urgench, Uzbekistan Senior Lecturer in the Department of Pharmacology and Clinical Pharmacology; PhD.

Karimova Dilbar Sharipovna

Urgench State Medical Institute, Urgench, Uzbekistan. Senior Lecturer in the Department of Pharmacology and Clinical Pharmacology.

A retrospective pharmacological epidemiological study was conducted on 360 case histories of patients with hepatobiliary diseases who were treated in medical institutions in the Khorezm region. The questionnaire included 36 names of hepatoprotectors used in Uzbek medicine.

The study found that the pharmacotherapy of patients with hepatobiliary diseases at the central polyclinic of Urgench city and the Khiva district medical association complies with the severity of the pathological process and the recommendations of the international gastroenterology community. In treating patients with hepatobiliary diseases, doctors used hepatoprotectors either separately or in combination.

Keywords: hepatobiliary diseases, pharmacoepidemiology, hepatoprotectors, clinical and pharmacological analysis.

Кириш қисми. Бутун дунё бўйича гепатобилиар тизим касалликларининг ўсиш кўрсаткичи охири 20 йил ичида ошиб бормоқда ва ҳар йили турли ёшдаги миллиардан ортик инсонлар жигарнинг ҳар хил касалликларига чалинмоқдалар. Мазкур касалликлар дунё бўйича аҳоли ўртасида ўлим ва меҳнатга яроқсизлик кўрсаткичлари бўйича юкори ўринда туради [1, 4, 10]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ, ВОЗ) маълумотларига кўра, ҳозирги кунда гепатобилиар тизим касалликлари билан ҳасталанган инсонлар сони 2 млрд. дан



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ортик, бу эса ОИТСга чалинган беморлар сонидан 100 марта кўпдир. МДХ мамлакатларида ҳар йили жигар касалликлари билан касалланган 500 мингдан бир миллионгача инсонлар рўйхатга олинади. Гепатобилиар тизим касалликлари айниқса ёшлар ўртасида учраши кўпаймоқда ва бунда аёллар эркакларга нисбатан 4-7 марта кўпроқ касалланадилар.


Хозирга келиб мазкур касалликлар замонавий тиббиётнинг ўта долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [2, 3, 8]. Гепатобилиар тизим организмда бўладиган жуда кўп жараёнларда қатнашади Унинг зарарланиши метоболизмнинг бузилишига, иммун жавоб, детоксикация ва антимиқроб ҳимоя каби муҳим бузилишларга олиб келади [7, 9]. Жигар хўжайралари агрессив брикмалар -- захарлар, эркин радикаллар, бактериялар ва вируслар таъсирида тез зарарланади. Ушбу касалликларнинг келиб чиқишида гормонал ва метобалик бузилишлар, сифатсиз овқат маҳсулотлари, меъеридан ортиқ спиртли ичимликлар ва дори моддаларини қабул қилиш натижасида гепатоцитларда оксидатив стресс ётади. Гепатобилиар тизим касалликларини даволашда бошқа препаратлар билан бирга катта арсеналдаги гепатопротекторлар кенг қўлланилади. Аммо, уларнинг самарадорлиги ва зарарсизлиги фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида деярлик ўрганилмаган.

Мазкур ишда фармакоэпидемиологик усуллар билан Хоразм вилояти Урганч шаҳри марказий поликлиникаси ҳамда Хива тумани тиббиёт бирлашмасида даволанганлар орасида жигар касалликларини даволашда қўлланилган гепатопротекторларнинг самарадорлиги, хавфсизлиги, уларнинг қўлланилиш истиқболлари ҳамда даволашнинг фармакоэкономик асослари ўрганилди.

Материал ва услублар. Хоразм вилоятидаги тиббиёт бирлашмаларида гепатобилиар тизим касаллиги билан даволанган 360 нафар беморнинг касаллик тарихи фармакоэпидемиологик усуллар ёрдамида (касаллик тарихидан анкета маълумотларини йиғиш йўли билан) ретроспектив (2005йилдан 2015 йилгача) тарзда ўрганилди [5, 6]. Анкетага Ўзбекистонда амалий тиббиётда ишлатилиб келинаётган 36 та препарат киритилди. Ўтказилаётган терапияда гепатопротекторларнинг қўлланилганлигига, уларнинг самарадорлигига ва хавфсизлигига катта эътибор қаратилди. Барча маълумотлар Стьюдент критерийлари асосида статистик таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокамаси. Олинган маълумотларга кўра 360 нафар беморнинг 106 нафарини эркаклар (29%) ва 254 нафарини аёллар (71%) ташкил этди. Шулардан 145 нафари (40%) шаҳар ва 215 нафари (60%) қишлоқда яшовчилардир. Ушбу беморнинг сурункали гепатит ва гепатохолецистит билан касалланганлари 166 нафарни (46%), жигар циррози ва сурункали гепатитнинг жигар циррозига ўтиш даври билан 128 нафарни (36%) ташкил этади, қолган 65 нафар (18%) бемор эса сурункали холецистит билан касалланганлардир. Барча беморларга асосий даво сифатида гепатопротекторлар алоҳида ёки ўзаро қўшилган ҳолда тавсия этилган. Қўшимча даво сифатида оғриқ қолдирувчилар, спазмолитиклар, ўт ҳайдовчилар, яллиғланишга қарши воситалар, глюкокортикостероидлар, иммуностатиклар ва бошқалар тавсия этилган. Беморларнинг барчасига асосий гуруҳ препаратларидан 19 турдаги гепатопротекторлар ҳар хил комбинацияда ёки алоҳида тавсия этилган (расм).

Урсасан билан Эссенциале препаратлари 55,3% беморларда қўлланилган, шулардан Урсасан 34,6% (214 нафар беморда) ва Эссенциале 18,9% (117 нафар беморда). Ушбу препаратларни касалликлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, куйидаги манзара юзага келади: Урсасан гепатит билан касалланган 69 нафар (20,4%), жигар циррози билан -- 96 нафар (52,1%) ва холецистит билан -- 49 нафар (51,6%) беморда қўлланилган бўлса, Эссенциале гепатит билан касалланган 83 нафар (24,5%), жигар циррози билан -- 21 нафар (11,4%) ва холецистит билан --13 нафар (13,7%) беморда қўлланилган (жадвал).



Расм. Беморларда ишлатилган гепатопротекторларнинг қўлланилиш частотаси

Рибоксин билан Карсил препаратлари 17% дан ортиқ беморларда қўлланилган, шулардан Рибоксин 10,5% (65 нафар беморда) ва Карсил 7,2% (44 нафар беморда). Бу препаратларни касалликлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги манзара юзага келади: Рибоксин гепатит билан оғриган 50 нафар (14,7%), жигар циррози билан -- 10 нафар (5,4%) ва холецистит билан -- 5 нафар (5,3%) беморда қўлланилган бўлса, Карсил мос тарзда 33 нафар (9,8%), 6 нафар (3,3%) ва 5 нафар (5,3%) беморда қўлланилган.

Жадвал

Гепатобилиар тизимнинг ҳар хил турдаги касалликларида қўлланилган гепатопротекторларнинг касалликлар бўйича нисбати

№ т/р	Препарат номлари	Жигар циррозида	Ге-патитда	Холециститда	Ҳаммаси бўлиб	Фоизда
1	Урсосан	96	69	49	214	34,6
2	Эссенциале	21	83	13	117	18,9
3	Рибоксин	10	50	5	65	10,5
4	Карсил	6	33	5	44	7,2
5	Тиотриазолин	24	9	3	36	5,8
6	Лив-52	2	22	5	29	4,7
7	Сирепар	4	14	7	25	4,1
8	Апкасул	-	18	3	21	3,4
9	Липоевая кислота	3	9	1	13	2,1



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

10	Гепаториц	6	-	-	6	3,4
11	Эссел форте	-	10	1	11	1,8
12	Бонжигар	-	9	-	9	1,6
13	Гепамерц	5	3	1	9	1,6
14	Гептрал	4	2	-	6	1,0
15	Резалют	1	3	-	4	0,6
16	Антрал	2	1	1	4	0,6
17	Гепамер	-	2	-	2	0,3
18	Фосфоглив	-	1	-	1	0,1
19	Гепанорм	-	-	1	1	0,1
	Ҳаммаси:	184	338	95	617	100

Тиотриазолин ва Лив-52 препаратлари 10% дан ортиқ беморларда қўлланилган, шулардан Тиотриазолин 5,8% (36 нафар беморда) ва Лив-52 4,7% (29 нафар беморда) ни ташкил этади. Бу препаратларни касалликлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагича бўлади: Тиотриазолин гепатит билан оғриган беморларнинг 9 (2,7%), жигар циррози билан -- 24 (13%) ва холецистит билан 3 (3,2%) нафарида қўлланилган бўлса, Лив-52 гепатит билан касалланган беморларнинг 22 (6,5%), жигар циррози билан -- 2 (1,1%) ва холецистит билан -- 5 (5,3%) нафарида қўлланилган.

Сирепар ва Апкасул 7,5% беморларда қўлланилган, шулардан Сирепар 4,1% (25 нафар бемор) ва Апкасул 3,4% (21 нафар бемор) ни ташкил этади. Бу препаратларни касалликлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагича бўлади: Сирепар гепатит билан оғриган беморларнинг 14 (4,1%), жигар циррози билан -- 4 (2,1%) ва холецистит билан -- 7 (7,3%) нафарида қўлланилган бўлса, Апкасул гепатит билан касалланган беморларнинг 18 (5,3%), холецистит билан -- 3 (3,2%) нафарида қўлланилган бўлса, жигар циррози билан касалланган беморларда мазкур гепатопротекторлар қўлланил эмас.

Шулардан жами 617 та гепатопротектор қўлланилган бўлиб, уларнинг 184 таси жигар циррози билан касалланган 128 нафар беморга, 338 таси гепатит билан касалланган 166 нафар беморга, 95 таси эса холецистит билан касалланган 65 нафар беморга ишлатилган. Бу ҳар бир беморга ўрта ҳисобда 1,7 та препаратдан тўғри келади. Аммо, жигар циррози, гепатит ва холецистит билан касалланган ҳар бир беморга мос равишда 1,5; 2 ва 1,5 та препаратдан тўғри келишини кўрсатади. Бундан ташқари, айрим беморларда бир пайтнинг ўзида 1 та ёки 2 та гепатопротектор қўлланилган бўлса, айримларида 3 ёки 4 препарат қўлланилган. Ўрганилаётган 36 та гепатопротектордан қолган 19 таси стационарлардаги беморларни даволаш жараёнида умуман қўлланилмаган. Шундай бўлишига қарамадан врачлар томонидан касалликни даволашда яхши натижаларга эришилган.

Натижалардан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилоятида гепатобилиар тизим касалликларига чалинган беморларни даволаш ишларини юқорида кўрсатилган 19 та номдаги препаратлар билан олиб бориш мумкин экан.

Хулоса:

1. Хоразм вилоятида гепатобилиар тизим касалликлари билан касалланган беморларда биринчи ўринни сурункали гепатит ва гепатохолецистит, иккинчи ўринни жигар циррози ва сурункали гепатитнинг жигар циррозига ўтиши ҳамда охириги ўринни сурункали холецистит эгаллайди.

2. Хоразм вилояти стационарларида гепатобилиар тизим касалликлари фармакотерапияси жаҳонда тан олинган Гастроэнтрологлар уюшмаси томонидан адекват ифодаланган патологик жараён ва кўрсатмаларга мос келади.

3. Гепатобилиар тизим касалликларини даволашда врачлар гепатопротекторларни



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
2 - TOM, 1 - SON. 2026
14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

алоҳида ва бир-бирлари билан ҳар хил комбинацияларда қўллаганлар.

4. Хоразм вилояти стационарларида гепатобилиар тизим касалликлари билан ҳасталанган беморларда катта арсеналдаги гепатопротекторлардан асосан 19 тасигина қўлланилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедова Н.М., Исмоилов С.Р. Фармакоэпидемиологический анализ антибактериальных препаратов, применяемых у пациентов, получающих лечение по поводу хронического пиелонефрита в Янгибозорском районном медицинском объединении, Хорезмская область // Инфекция, иммунитет и фармакология. № 5, 2024, 5 (5/2024. Часть – 2), с. 21–26.
2. Геруш О.В., Яковлева Л.В., Леницкая Е.Б. Гепатопротекторная активность нового лекарственного средства растительного происхождения на модели хронического гепатита // Рецепт.– 2014.– № 5.– С. 60-71.
3. Горецкая М.В., Шейбак В.М. Гепатопротекторные свойства таурина при интоксикации парацетамолом // Вестн НАН Беларуси. Сер. мед. наук.– 2013.– № 3.– С. 97-103.
4. Захаренко А.Г. Возможности и перспективы клинического применения отечественного лекарственного средства «Эссенциглив» // Лечeb. дело. – 2013.– №1.– С. 9–11.
5. Коковина Ю.В., Вишневская О.Н. Применение комбинированных гепатопротекторов у пациентов с диффузными изменениями печени и с измененным липидным спектром // Рус. мед. журн.– 2015.– № 2.– С. 86-88.
6. Сравнительное изучение гепатопротекторных препаратов «Эссенциале Форте Н», «Фосфоглив», «Эссливер Форте» / И.А.Василенко и др. // Рус. мед. журн.– 2013.– № 13.– С. 681-684.
7. Фармакоэпидемиология гепатопротекторов, использованных для лечения больных в стационарах города Ургенча Хорезмской области / Исмоилов С.Р., Бекчанова Ю.Х., Рузмаматов Ш.С., Рузмаматов Б.Ш. // Вісник проблем біології і медицини, 2014.– Випуск 1 (106).– С.111-115.
8. Чубарова А.С., Курченко, В.П. Характеристика антиоксидантной активности субстанции силимарина в составе гепатопротекторных лекарственных препаратов // Мед. новости.– 2013.– №2-3.– С. 64- 68.
9. Diagnosis of cirrhosis by transient elastography (FibroScan): a prospective study // Foucher J., Chanteloup E., Vergniol J. et al. 2006. Gut 55 (3): 403–8.
10. Does this patient with liver disease have cirrhosis? / Udell J.A., Wang C.S., Tinmouth J. Fitz.Gerald. J.M. et al. // JAMA: the journal of the American Medical Association, 2012, Feb 22, 307 (8): 832-42.
11. Guidelines on the management of ascites in cirrhosis. // Moore K.P., Aithal G.P. October 2006. Gut 55 Suppl 6: vi1–12.